

Эшитувчининг одоби ҳақида



18:07 / 27.09.2020 2243

11-боб

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий (раҳимаҳуллоҳ) айтадилар: Эшитувчи музаккирга юзланиб ўтириши, уни тўғри қалб билан тинглаши ва бошқа бирор нарса билан шуғулланмаслиги лозим. Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимки бир масалани ёки ҳадисни эшитса, мана шунга амал қилсин, чунки у тирик ва нажот топувчидир. Кимки бир ҳадисни эшитса-ю, амал қилмаса, ҳалок бўлади» дедилар. Эшитувчига ҳар бир ҳадиснинг орасида «рост айтдингиз» ёки «чиройли гапирдингиз» деб туриши мустаҳаб. Токи музаккир ҳадис айтишга рағбатлансин.

Тинглаётган киши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг исмларини ҳар эшитганида саловот айтади. Шайтоннинг васвасасини қалбидан чиқариб ташлаши, мажлис вақтида ухламаслиги лозим.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадисда айтилади: «Кимки мажлис вақтида ухласа, Аллоҳнинг раҳматидан маҳрум бўлибди ва шайтонга дўст тутинибди».

«Бўстонул Орифийн» китобидан